

ЧУНТАҚДАГИ ҲИКМАТЛАР

ТОШКЕНТ

«ILM PRESS» NMU

У . 2013

94.8 - Ҷишата, афрусидан

Ушбу муъжазгина туплам инсоният ақл-заковатининг ёрқин намуналари бўлган ҳикматлардан иборат. Туплам фақат фикр юритишдан роҳат топадиган, ақли, ҳаётий гапдан ҳузур оладиган одамларга тавсия қилинади. Фикрлаш завқидан баҳраманда бўлиш истагидаги китобхон ҳикматлар оламига кириб қолади.

Тузувчи, таржимон, сўз боши ва сўнгсўз муаллифлари — Пулат ЭРҒАШЕВ,
Бахтиёр МУҲАММАДИЕВ

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонуналарга асосан ҳимояланган.

"DAVR-PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташуви воситаларида тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4075-7-2

N1 31821
091

2014/6 A 402	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

"DAVR PRESS" NMU, 2013

ФИКРЛАШДАН РОҲАТ ОЛАДИГАН УҚУВЧИГА!

Ушбу муъжазгина тўплам инсоният ақл-заковатининг ёрқин намуналари бўлган ҳикматлардан иборат. Тўплам фақат фикр юритишдан роҳат топадиган, ақлли, ҳаётий гап-дан ҳузур оладиган одамларга тавсия қилинади. Бирор ақлли гап қарши-сидан чиқиб қолиб, унинг маъносини "ҳазм" қилишга уриниши бошқини огритиб юборадиган, аллергия тошмаларини тошириб, кунглини беҳузур қилиб ташлайдиган одамларга тўплам билан танишишни шу ерда тўхтатишни тавсия қиламиз. Тўпламни шу еридан ёпиб қўйсангиз, озгина ақллироқ бўлиш имконидан бошқа ҳеч нарса йўқотмайсиз: озмайсиз ҳам, тўлишмайсиз ҳам, ўсмайсиз ҳам, чўкмайсиз ҳам, бойиб кетмайсиз ҳам, камбағал ҳам бўлиб қолмайсиз. Лекин фикрлаш завқидан баҳраманд бўлиш истагида тўпламнинг кейинги саҳифасига кўзингизни югуртирдингизми, унда ҳикматлар оламига марҳабо.

Ҳа, айтгандай, яна бир илтимос: ҳикматларни жуда жиддий бўлиб эмас, бироз эркинроқ, ҳазил-мутойибага очиқроқ бўлиб уқисангиз, уларнинг маъносини яхшироқ тушунасиз, улардан кўпроқ нарса оласиз.

СУЗ БОШИ

Ad cogitandum et agendum homo natus est

Одам фикр юритиш ва ҳаракат
қилиш учун яратилган

Одам олам ва ундаги ўз ўрни, ҳаёт ва унинг қадри, маъноси, бахт ва омад, гузаллик ва ҳақиқат ҳақидаги мураккаб фалсафий саволларга ўз ҳаёти давомида жавоб топиб боради. Аслида, ҳаётнинг ўзи энг катта муаллим. Шу билан бирга, унинг дарслари одамга кўпинча анча қимматга тушиши ҳам бор гап. Ўтмиш донишмандларининг таъбири билан айтганда, одамзод ҳаётининг бош фожиаси шундан иборатки, қўл-оёғи айни кучга тўлишган пайт ақли ҳали кўп нарсани англаш учун пишиб етилмаган бўлади-ю, пишиб етилди деганда, энди қўл-оёғида аввалги кучдан асар ҳам қолмаган бўлади.

Одамнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган бундай вазиятдан чиқишнинг энг осон йўли – ўтмиш улугларининг турли муаммоли саволларга ўз даврида қандай жавоб берганини ўрганиш, уларнинг ўғит-насихатлари, огоҳлантиришлари,



даъватларидан тегишли хулосаларни чиқариб, ақл-заковатнинг ривожланиши мушаклар ўсишидан кескин орқада қолишига йўл қўймасликдир. Бошқача айтганда, одамзодни азалдан қийнаб келган саволларга жавоб топгандай бўлган одамларнинг тажрибасини ўрганиб, улар кўп вақт сарфлаб англаган нарсаларни қисқа фурсатда билиб олиб, ақлнинг етилиш муддатини тезлаштириш, қисқартириш йўлидан борган маъқул. Мазкур тўплам мана шу ишда сизга кўмак бўлиши кўзда тутилган.

Тўплам фақат ҳажман чўнтакбоб бўлиб, ундаги ҳикматларнинг ҳар бири, аслида, катта-катта китобларга мавзу бўла олади. Ўзининг ҳажми билан тўплам чўнтакка сига олса-да, лекин унинг учун энг яхши кўрган, қайта-қайта қўлга оладиган китобларингизнинг жуда ёнидан бўлмаса ҳам, яқин атрофидан жой ажратишингизга сизни кўндира олади, деб умид қиламиз.

ОДАМ ВА УНИНГ АЖАБТОВУР ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

✓Шундай одамлар борки, улар китобни фақат муаллифнинг хатоларини топиш учун ўқийди.

Люк де Клапье Вовенарг

✓Одамга бутун дунёни совга қилсангиз, совга ўралган зар қогозни ҳам бер, дейди.

Жюльен де Фалкенаре

✓Иккиюзламачи одам ўзи ота-онасини ўлдириб, унга жазо тайинланаётганда етим қолганини эътиборга олишни илтимос қилади.

Авраам Линкольн

✓Уй манзили йўқ одам шубҳали, аммо икки манзилли одам янада шубҳалироқ.

Жорж Бернард Шоу

✓Одамнинг иштаҳаси овқатланиш пайтида келади, айниқса, бировнинг овқатланаётганини кўрганда.

Ян Климек

✓ Хонага чиройли қиз кириб келганида, унга қарашдан кўра ундан кўзини узмаётган бошқаларни кузатишга иштиёқманд одам ҳақиқий психологдир.

Альфред Адлер

✓ Айрим одамлар 50:50 бўлишаётганда, ўртадаги икки нуқтани ҳам талаб қилади.

Питер Лоренс

✓ Итлар одамларга шунчалик содиқдирки, баъзида одамлар ўзи шунга арзирмикан, деган шубҳа уйғонади.

Илья Ильф

✓ Одам фаришта ҳам, ҳайвон ҳам эмас ва унинг фожиаси шуки, фариштага ўхшашга ҳаракат қилгани сайин кўпроқ ҳайвонга ўхшаб боради.

Блез Паскаль

✓ Тез орада улади, деб ҳисобланган одамни кўпчилик диққат билан тинглай бошлайди.

Чак Поланик

✓Одамнинг ўлгани ҳали унинг яшаганини исботламайди.

Станислав Ежи Лец

✓Ўз остонасидаги қорни курамай, қушниси томини қор босганидан шикоят қилувчи одамлар оз эмас.

Конфуций

✓Ҳеч ким икки марта яшамайди, баъзиларни, ҳатто, бир марта яшади, деб ҳам бўлмайди.

Фридрих Рюккерт

✓Одам ҳар қандай бемаъни гапга ишонаверади, бу гап пичирлаб айтилса, бас.

Поль Рейно

✓Директор ҳам ҳамма қатори одам, лекин унинг ўзи буни билмайди-да.

Реймонд Чандлер

✓Нима учун ит вафодорликнинг намунаси, деб ҳисобланади? Ахир у ўзи каби итларга эмас, одамларга вафодор-ку!

Карл Краус

✓Қарга қарганинг кўзини чўқимаганидай,
одам одамнинг кўзини чўқимайди, аммо уриб
кўкартириши мумкин.

Янина Ипохорская

✓Одамга истаган барча нарсасини берсангиз
ҳам, бу ҳали ҳаммаси эмас-ов, деб уйлаверади.

Иммануил Кант

✓Ҳаммага ёрдам беришнинг иложи йўқ, дейди
бераҳм одам ва умуман ҳеч кимга ёрдам бермай
қўя қолади.


Мария фон Эбнер-Эшенбах

✓Одам муҳаббат қозониш учун кўп нарсага,
бировнинг ҳавасини келтириш учун эса ҳамма
нарсага тайёр бўлади.

Марк Твен

✓Биринчи бўлиб тош отиш ўрнига ҳақоратли
сўзни айтган одам маданиятнинг асосчисидир.

Зигмунд Фрейд



ТУРМУШ ВА УНИНГ УНҚИР-ЧУНҚИРЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Купчилик эр-хотин низолари аёл киши-нинг ҳаддан зиёд куп гапириши, эркак кишининг эса уни ҳаддан ташқари кам эшитиши сабабли вужудга келади.

Курт Гец

✓ Ҳаёт уч қисмга бўлинади: қорбобога ишонган давринг, қобобога ишонмай қуйган давринг, узинг қорбобога айланган давринг.

Боб Филиппс

✓ Агар сенинг яхши кўрган қизинг бўлмаса, демак, қайсидир йигит икки қизнинг бошини айлантириб юрибди.

*Аркадий Филиппович
Давидович*

✓ Ажрашиш худди машина уриб кетгани кабидир — тирик қолсанг ҳам, бундан буён йўлдан ута туриб зийракроқ бўласан.

Жин Керр

✓ Яхши куёвга дуч келган одам утил топади,
ёмон куёвга дуч келган — қизидан ҳам ажралади.

Демокрит

✓ Мукамал қушни — шовқин-суронни сен
билан бир вақтда қиладиган қушнидир.

Марина Влади

✓ Бахтли ва бахтсиз никоҳ ўртасидаги фарқ
қўпинча ҳар кун айтиладиган бир-икки оғиз
гапдан иборат бўлади.

Харлан Миллер

✓ Пул керак бўлса, бегоналар олдига бор,
маслаҳат керак бўлса, дўстларинг олдига бор, ҳеч
нарсга керак бўлмаса, қариндошлар олдига бор.

Марк Твен

✓ Ҳар сафар йиқилганингда, яна учмоққа
шайланавер: ёки бир йўла чилпарчин бўлиб
кетасан, ёки қанотинг ўсиб чиқади.

*Мария фон Эбнер-
Эшенбах*

✓Ҳар икки хотиним билан ҳам омадим
чопмади — биринчиси, афсус, мени ташлаб кетди,
иккинчиси, афсуски, ташлаб кетмади.

Патрик Марри

✓Камалакни кўришни орзу қилсанг, ёмгир
остида қолиб кетишга тайёр бўлишинг керак.

Доли Партон

✓Никоҳлар осмону фалақда битилади, аммо
уларнинг қанчалик бахтли бўлиши ерда ҳал қили-
нади.

Мария фон Эбнер-Эшенбах

САЛОМАТЛИК ВА УНИНГ КУШАНДАЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Саломатлик – бир касаллик билан иккинчиси орасидаги вақтдир.

Тед Калчук

✓ Ҳозир чекишнинг зарари ҳақида шунчалик кўп ёзишяптики, ўқишни ташлашга қарор қилдим.

Жозеф Каттен

✓ Ҳаётингни узайтirmoқчи бўлсанг, овқатланиш вақтингни қисқартир.

Бенджамин Франклин

✓ Рангсиз ароқ бурунни қизартириб, кўнгилини қорайтиради.

Антон Павлович Чехов

✓ Агар соғлом пайтинг югуришни хоҳламасанг, касал бўлгач, югуришга мажбур бўласан.

Гораций

✓Чекишни ташлашдан осони йуқ, мен узим
уттиз марта ташлаганман.

Марк Твен

✓Касаллик бошланган пайт уни даволаш осон,
аммо пайқаш қийин, зўрайиб кетгач эса пайқаш
қийин эмас, лекин тузатиш қийин бўлади.

Никколо Макиавелли

✓Яхши шифокор касалдан қутқармаса ҳам, ҳеч
бўлмаса, ёмон шифокордан қутқаради.

Жан Польян

✓Тана ҳаёт давомида кўтариб юриладиган юқдир:
юк қанча оғир бўлса, саёҳат шунча қисқа бўлади.

Арнолд Глазгоу

✓Уринда ётиб чекма, акс ҳолда, сигарет кули билан
бирга, сенинг кулингни супуришга тўтри келади.

Жек Бернет

✓Эҳтимол, эркакни ичкиликбозликдан ту-
затишнинг энг арзон усули – унга машина совга
қилишдир.

Ришард Подлевский

✓Замонавий аёллар ёшени эмас, вазини яширадиган булиб қолган.

Ратмир Тумановский

✓Касалликка ташхис қўйиш усуллари шунчалик ривожланиб кетдики, бирорта соғлом одам қолмади.

Бертран Рассел

✓Соғлом одам ҳеч қаери оғримайдиган одам эмас, ҳар сафар ҳар хил жойи оғрийдиган одамдир.

Натали Клиффорд Барни

МУВАФФАҚИЯТ ВА УНИНГ КАЛИТЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Катта ёшда муваффақиятта зришмаган одам мактаб давридаги ютуқлари билан мақтанади.

*Фёдор Фёдорович
Селиванов*

✓ Одам икки йул билан юқорига кутарилиши мумкин – ўз устамонлиги билан ёки бировнинг аҳмоқлиги ҳисобига.

Жан де Лабрюйер

✓ Муваффақиятта эрта тонг турадиган одам эмас, эрта тонгдан яхши кайфиятда турадиган одам зришади.

Марсель Ашар

✓ Шифокорлар саломатлигимизни сақлаш устида, ошпазлар саломатлигимизни бузиш устида тинимсиз иш олиб бораяптилар. Ачинарлиси шуки, ошпазларнинг ўз муваффақиятига булган ишончи юқорироқ.

Дени Дидро

✓ Муваффақиятга эришишнинг энг зур усули – бошқаларга берадиган маслаҳатларингга ўзинг ҳам амал қилишингдир.

Гаролд Тейлор

✓ Уз муваффақиятсизликларида бировни айблаётган одам мантиқан муваффақиятларида бировнинг ҳам ҳиссаси борлигини тан олиши керак.

Говард Ньютон

✓ Муваффақият чуққисига етгач, энг огир нарса – у ерда алақачон кимдир турганини куришдир.

Марк Твен

✓ Муваффақиятсизлик жиноят эмас, олдига уз имкониятларидан паст мақсадларни қўйиш жиноятдир.

Жеймс Рассел Лоуэл

✓ Барча муваффақиятлар замирида сабр ётади: жужа олиш учун тухумни синдириш эмас, босиб утириш керак.

2014/6 А 402	Арном Глазгов Алмасет Навоий номидеги O'zbekiston МК
--------------------	---

✓Уқишда муваффақият қозониш учун одам ундан илгарилаб кетганларга етиб олишга, орқадан келаётганлар эса унга етолмаслигига ҳаракат қилиши керак.

Аристотель

✓Спектакль муваффақиятли чиқса, режиссёр узини гениал инсон деб ҳисоблайди, муваффақиятсиз чиқса, режиссёр томошабинларни маданиятсиз, чаласавод одамлар деб ҳисоблайди.

Саша Гитри



МУҲАББАТ ВА УНИНГ ТҮРИГА ИЛИНГАНЛАР ҲАҚИДА

✓Муҳаббатни ёлгон ўлдирди, дейдилар, лекин самимийлик уни янада тезроқ ўлдирди.

Абель Эрман

✓Чинакам муҳаббат юрак касалига ўхшайди – биринчи марта хуруж қилмагунча унинг борлигига одам ишонмайди.

Мария фон Эбнер-Эшенбах

✓Агар кечқурун соат еттининг ўрнига уйга тўққизда қайтсанг-у, аммо севган инсонинг шу пайтгача сени ахтариб ҳар ерга қўнгироқ қилмаган бўлса, демак, муҳаббат тугабди.

Марлен Дитрих

✓Муҳаббатсиз никоҳ, никоҳсиз муҳаббатни келтириб чиқаради.

Бенджамин Франклин

✓Купчилик йигитлар қизнинг яногидаги кулгични севиб қоладилар-у, адашиб бутунлай бошқа қизга уйланиб қоладилар.

Стивен Ликок

✓Барча эҳтирослар бизни аҳмоқона ишларни қилишимизга ундайди, лекин энг тентакнамо ишларни муҳаббат сабабли қиламиз.

Франсуа Ларошфуко

✓Севмоқ – бошқалар билан солиштиришни бас қилмоқ демақдир.

Бернар Грассе

✓Ҳақиқий муҳаббат, эҳтимол, чиндан ҳам касалликдир, лекин афсуски, бу юқумли касаллик эмас.

Жарко Петан

✓Муҳаббат мактублари жуда фойдали бўлади: ахир яхши кўрган одамингиз билан юзма-юз кўришиб, ундан пул сўрашга уялишингиз мумкин.

Анри Ренье

✓ Ҳозир бир қарашда уйғонаётган муҳаббат,
иккинчи қарашда йуқ булиб кетаяпти.

Янина Ипохорская

✓ Икки одам пичирлаб гаплашса – бу
муҳаббатнинг боши, ҳамма улар ҳақида пичирлаб
гапирса – бу муҳаббатнинг охири.

Влада Булатович-ВиБ

✓ Йуқчилик эшик қоқиб келганда, муҳаббат
ойнадан сакраб қочади.

Маркус Кларк

БОЛА ВА УНИНГ БЕГУБОР ҚИЛИҚЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Фарзандларингизга сукут сақлашни ўргатинг,
гапиришни уларнинг узи ўрганиб олади.

Бенжамин Франклин

✓ Агар қирқ ёшгача одамнинг хонадони болалар
кулгусига тўлмаса, ҳар ердан эшитиладиган
ваҳимали овозларга тўлиб кетади.

Шарль Сент-Бёв

✓ Синмайдиган - уйинчоқ - бу бошқа
уйинчоқларни синдириш учун болага керак
буладиган болгадир.

Бейтс Каунти

✓ Одамни ўзгартириш учун ишни унинг
бувисидан бошлаш керак.

Виктор Гюго

✓ Болалар уларга айтилаётган гапдан кўра,
бировга айтилаётган гапларга эътиборлироқ
булади.

Элеонора Рузвельт

✓ Болалар кексайган чоғимизда овунчоғимиз экани аниқ, лекин ўша кексаликка бизни тезроқ етказувчилар ҳам ўзлари.

Лайонел Кауфман

✓ Сенинг болаларинг қанчалик ақлли экани ҳақидаги ҳикоя билан вақти кам одамнинг вақтини олма, ахир бу одам ўзининг болалари қанчалик ақлли эканини сенга гапириб беришга улгуриши керак.

Эдгар Уотсон Хау

✓ Онасини ҳар дақиқа чорлаб турувчи бола унинг адашиб бошқа бола билан кетиб қолишидан қўрққани учун шундай қилса ажаб эмас.

Рамон Гомес де ла Серна

✓ Ота-она болалар ўз тишини чархлайдиган чархдир.

Питер Устинов

✓ "Онани яхши кўрасанми ёки отаними?" деган саволга агар бола ростгўй бўлса, "Шоколадли музқаймоқни яхши кўраман", деб жавоб беради.

Аминад Петрович Шполянский

ПУЛ ВА УНИНГ СЕҲРАИ ЖИРИНГИ ҲАҚИДА

✓Агар кераксиз нарсалар сотиб олсанг, кўп
утмай керак нарсаларни сотишга мажбур бўласан.

Бенжамин Франклин

✓Пул ақлли одамлар учун восита, аҳмоқлар
учун мақсаддир.

Адриан Декурсель

✓Китоб, машина ва пулинг бировнинг қўли-
га тушса, уларни йўқотдим деявер: китобинг
йиртилиб, машинанг бузилиб, пулинг эса қисм-
қисмлаб қайтади.

Оскар Уайльд

✓Рассом – сотса бўладиган нарсани чизадиган
одам, яхши рассом эса – чизган нарсасини сота
оладиган одам.

Пабло Пикассо

✓ Пул яхши хизматкор, лекин ёмон хужайиндир.

Александр Дюма-утил

✓ Энг камбагал одам – пулдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган одамдир.

Артуго Граф

✓ Тадбиркорлар маҳсулот рекламасига сарфлаган харажатни маҳсулотни ишлаб чиқаришга ишлатганларида, бу маҳсулотни реклама қилишга ҳожат бўлмасди.

Уил Роджерс

✓ Аслида нарсаси кам одам эмас, нарсаси камлик қилаётган одам камбагалдир.

*Луций Анней
Сенека*

✓ Пулга ҳамма нарса қилиш мумкин, деб ҳисоблаганлар, одатда, ўзлари пулга ҳамма нарсани қилишга тайёр бўладилар.

Жорж Галифакс

✓Пул худди гунгга ухшайди – керак ерларга сочиб ташламасанг, ундан фойда йуқ.

Фрэнсис Бэкон

✓Пулга фақат икки хил одам совуққон муносабатда бўла олади – донишманд ва кассир.

Эмиль Кроткий

✓Одамни шунчаки бой бўлиш қониқтирмайди, у бошқалардан бой бўлишни истайди.

Жон Стюарт Милль

АЁЛ ВА УНИНГ ЛОЛ ҚИЛУВЧИ ХИСЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Бирор муҳим учрашувга тайёрланаётган эркак “Нима деб айтсам экан?” деган саволга жавоб изласа, аёлни кўпроқ “Нимани кийиб борсам экан?” деган савол безовта қилади.

Мадлен де Пюизье

✓ Яхши хотин буронли кунда олдиндан чиққан бошпанадир, ёмон хотин бошпанада бошланган бурондир.

Жон Птитсен

✓ Чекувчи аёлдан бўса олмоқ, кулдонни яламоқ билан баробардир.

Антон Павлович Чехов

✓ Аёлнинг тахминлари кўпинча эркакнинг аниқ билганларидан ҳам аниқроқ бўлади.

Редьярд Киплинг

✓ Айрим аёлларга атиргул дастаси камлик қилади,
улар гулдоннинг сувини тез-тез алмаштириб
туришни ҳам талаб қиладилар.

Януш Гаудин

✓ Аёллар журъатсиз эркакларни ёмон ку-
радилар. Ахир мушук эҳтиёткор сичқонни тутишга
қийналади-да.

Генри Луис Менкен

✓ Эркаклар аёллар ҳақида истаганини гапиради,
аёллар эса эркаклар билан истаганини қилади.

Софья Сегюр

✓ Уч аёл гаплашиб турган бўлса, бу – суҳбатдир,
улардан бири нари кетиши билан суҳбат гийбатта
айланади.

Херб Шрайнер

✓ Ҳамма нарса одамнинг қўлида, одамнинг
тақдири эса аёлнинг қўлида.

*Александр Исидорович
Фюрстенберг*

✓ Аёл кўз ёши сувида кўпинча эр ҳамёнидаги қогозлар эриб кетади.

Лешек Кумор

✓ Авваллари қизлар уялганидан қизарар эди, энди қизарганидан уялиб кетаяпти.

Морис Шевалье

✓ Одам ҳақида унинг кийимига қараб эмас, хотинининг кийимига қараб хулоса чиқариш тўғридир.

Томас Дьюар

✓ Тамаки аёлнинг овозига таъсир кўрсатмайди, деб уйлаганлар хотинининг кўз ўнгида гиламга сигарет кулини қоқиб кўрсин.

Жан Ришар

✓ Бир аёлнинг бошқасини кузатиши худди божхонадаги юк текширувини эслатади.

Янина Ипхорская

✓Агар аёлнинг вазни 100 килограмм бўлса, унга қувонч багишлайдиган ягона нарса 120 килограммли аёлни кўриш бўлиб қолади.

Хелен Роулэнд

✓Аёлнинг ҳаётида 3 та давр бўлади: ёшини айтишга уялмайдиган давр, ёшини айтишдан қўрқадиган давр, айтмаса ҳам кўриниши ёшини билдириб қўядиган давр.

Лешек Кумор

✓Гийбатлашиб ўтирган аёлларни кўрганимда: "Бир илон бошқасидан қарзга заҳар олаяпти", дегим келади.

Диоген

✓Аёллар камгап эркакларни яхши кўрадилар. Аёл бундай эркак уни тинглаяпти деб ўйлайди-да.

Саша Гитри

ЭРКАК ВА УНИНГ МИНГ БИР ФЕЪЛИ ҲАҚИДА

✓ Барча аёлларни ёмонга чиқараётган эркак аслида кўпинча қандайдир бир аёлни назарда тутаётган бўлади.

Реим де Гурмон

✓ Эркаклар овқат вақтида гаплашса, аёллар гап орасида овқатланадилар.

Малькольм де Шазаль

✓ Аёллар худди болаларга ўхшайди – “йўқ” дейишни яхши кўради, эркаклар ҳам худди болаларга ўхшайди – “йўқ” деганга ишонади.

Янина Ипохорская

✓ Аёл эркак кишидан бир мартагина идиш-товоқларни ювишда ёрдам беришни илтимос қилган эди, идиш ювадиган машина ўйлаб топилди қўйди.

*Сирил Норткот
Паркинсон*

✓ Агар аёл айтаётган ҳамма гап эркакнинг қулогига кираётган бўлса, демак, бу аёл ҳаддан ташқари гўзал эмас.

Генри Хаскинс

✓ Эркак таом тайёрласа, ошхонага ҳеч ким кирмаслигини талаб қилади, лекин аёл таом пишираётганда ўзи нуқул суқилиб кираверади.

Люсиль Болл

✓ Аввал ҳақиқий эркак эканингни исботлаш учун чекасан, кейин эса ҳақиқий эркак эканингни исботлаш учун чекишни ташлашга ҳаракат қиласан.

Жорж Сименон

✓ Эркаклар бошлиқ билан гаплашганда бошини елкаси ичига тортишга, аёллар билан гаплашганда қорнини ичкарига тортишга урганиб боради.

Элси Аттенхофер

ДУСТ ВА УНИНГ ҲАҚИҚИЙСИ КАМЁБЛИГИ ҲАҚИДА

✓ Битта дўст – кўп, иккита – жуда кўп, учта – бунинг иложи йўқ.

Генри Брукс Адамс

✓ Ҳар бир ҳаракатимни такрорлайдиган дўстнинг менга кераги йўқ, буни соямнинг ўзи ҳам ҳаммадан мукамалроқ бажаради.

Плутарх

✓ Дўстлар – вақтнинг буюк ўғриларидир.

Франческо Петрарка

✓ Дўстлик – бу шу қадар муқаддас, олижаноб, мустаҳкам ҳисдирки, уни бутун умр кўнгида сақлаш мумкин, агар дўстлар бир-биридан қарз олмаса.

Марк Твен

✓ Чинакам муҳаббат қанчалик ноёб бўлмасин, ҳақиқий дўстлик ундан-да ноёбдир.

Франсуа Ларошфуко

✓Дўстлар яшашга ёрдам беради-ю, ишлашга халақит қилади.

Тадеуш Котарбиньский

✓Дўстларининг бахтсизлигига барча ҳамдара бўлади, лекин камдан-кам одам уларнинг бахтидан қувонади.

Оскар Уайльд

✓Ўз камчиликларингиз ҳақида гапириб овора бўлманг, чунки дўстларингиз улар ҳақида аллақачон айтиб бериб бўлган.

*Шарль Морис
де Талейран*

✓Агар ит ва мушук ўртасида кутилмаганда дўстлик уйгонса, ошпаз овқатининг масаллигидан айрилди деяверинг.

Стефан Цвейг

✓Ҳар сафар дўстимнинг портретини чизиб, унга кўрсатганимда, дўстларим сони биттага камаяди.

Джон Сарджент

✓Дустлик масофа сақлай олиш санъати булса, муҳаббат, аксинча, масофани қисқартира олиш санъатидир.

Зигмунд Графф

✓Дустларинг ташқи кўринишингни мақтаб хушомад қилишни бошлагани кексайиб қолганингни кўрсатувчи аниқ белгидир.

Марк Твен

АҚЛ ВА УНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Дунёда икки чексиз нарса бор – биринчиси коинот, иккинчиси одамнинг тентаклиги, лекин қарангки, биринчисининг чексизлигига бироз шубҳам бор.

Альберт Эйнштейн

✓ Аҳмоқона фикрлар ҳаммада ҳам бўлади, фақат ақлли одамлар уларни айтмайди.

Вильгельм Буш

✓ Ёш хато қилса, ақл кирмабди, дейдилар, кекса хато қилса, ақлдан озибди, дейдилар.

Франсуа Ларошфуко

✓ Сукут ақл-заковатнинг далили бўлмаслиги мумкин, лекин у одамнинг ҳар қалай аҳмоқ эмаслигини кўрсатади.

Пьер Клод Буаст

✓ Тентак одамлар уларни деб қанчалик азоб чекишимизни билганларида эди, ўзларининг ҳам бизга раҳми келган бўларди.

Антуан де Ривароль

✓Китоблар одамга унинг доно-доно гоялари аслида янги эмаслигини эслатиб туриш учун керак.

Авраам Линкольн

✓Айтган ақлли гапинг аҳмоқ одам қулогида улаётганини кўришдан аламлироқ нарса йўқ.

Шарль Монтескье

✓Аҳмоқ бизни мақтагани заҳоти, кўзимизга унчалик аҳмоқ эмасдек кўрина бошлайди.

Франсуа Ларошфуко

✓Фақат икки хил одам ўз фикрини ўзгартиришга қодир эмас – ўлик ва тентак.

Жеймс Рассел Лоуэлл

✓Аҳмоқ бошимиздан мушк-анбарни тўкиб юборгандан кўра, ақлли одамдан юз дарра калтак еганимиз афзал.

Ахикар

✓Хамма адашади, лекин аҳмоқ одам бир хатони қайта-қайта такрорлайверади.

Марк Туллий Цицерон

✓Буюк инсонлар катта ишларга уларнинг улутворлигини англагани учун, аҳмоқ одамлар эса, бу ишларга улар қанчалик қийин эканини тушунмаганидан қўл уради.

Люк де Вовенарг

✓Бировнинг сирини айтиб қўйиш – сотқинлик, ўзининг сирини айтиб қўйиш – аҳмоқликдир.

Волтер

✓Одам қанчалик аққли гаплар гапирмасин, кўп гапираверса, охири, албатта, бирор аҳмоқона фикрни айтиб юборади.

Александр Дюма-ота

✓Ўзини ҳурмат қилмайдиган одам – бахтсиздир, ўзини мукамал санайдиган одам эса – аҳмоқдир.

Ги де Мопассан

ГУЗАЛЛИК ВА УНИНГ ЖИЛОЛАРИ ҲАҚИДА

✓Гузал булмаган аёллар йуқ, фақат гузал эканини билмайдиган аёллар бор.

Вивьен Ли

✓Гузаллик – атиги бир неча йилга қилинган совгадир.

Оскар Уайльд

✓Эркакнинг ақлини мақтаганда “Хотини ҳам қандай чиройли аёл”, деб қушиб қўядилар, аёлнинг гузаллигини мақтаганда “Эри эса бирам телбаки”, деб қўядилар.

Моисей Сафир

✓Эликка кирган одамни унинг ақлини мақтаб авраш мумкин, лекин гузаллигини мақтаб бунга эришиб булмайд.

Эдгар Уотсон Хау

✓ Дастлаб гузалликда танҳо булиб кўринган қизнинг ҳусни жамоли, иккинчи урашувда аввалгидай лол қолдирмаслиги мумкин.

Стендаль

✓ Гузал фикр яхши баён этилмаса, қимматини йўқотади, қайтариб айтилса, зеркиш уйғотади.

Вольтер

✓ Ёш ва қадди расо булиб кўринай десангиз, кекса ва семиз одамларга яқинроқ турунг.

Жим Исон

✓ Эрталаб саккиздан ярим кечагача гузал булиб кўринишга ҳаракат қилишдан оғирроқ иш йўқ.

Брижит Бардо

✓ Хунук одамлар одатда ақлли бўлади, чунки уларда кўнгилочарлик учун имконият кам, ўқиш учун вақт кўп бўлади.

Клод Гельвеций

ШУҲРАТ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Машҳур одамлар икки тоифага бўлинади: баъзиларни одамлар унутолмайди, баъзиларни унутишни хоҳламайди.

Владислав Гжешик

✓ Киноюлдуз қандан ишланган тахту равонда шаррос ёмғир остида ўтирган одамдир.

Марлон Брандо

✓ Аввал шуҳратни орзу қиладилар, кейин кичикроқ муваффақиятдан умидвор бўладилар, охири бир огизгина мақтовга ҳам рози бўладилар.

Этьен Рей

✓ Шуҳрат йиртиқ пайпоққа кийилган тешик калишдир.

Сон Кан

✓Одам улгандан кейин топадиган шуҳрат қадрлироқ, лекин ҳаётлигида топадиган шуҳрат ёқимлироқ-да.

*Подводный Авессалом
Бонифатьевич*

✓Яхши шеърларни ҳуштак билан қарши олишгани, ёмон шеърларга қарсак чалишгандан кўра яхшироқ.

Виктор Гюго

✓Машҳурлар аввалига шуҳрат қозониш учун қулидан келган ҳамма ишни қилиб, унга эришгач, ҳеч ким таниб қолмаслиги мақсадида қора кўзойнак тақиб юради.

Фред Аллен

ЁЛГОН ВА УНИНГ УСТАЛАРИ ҲАҚИДА

✓ Беморларга умид бахш этувчи ёлгон тиббиётда шунчалик керакки, ёлгон гапиришни билмайдиган шифокор касб танлашда адашган инсондир.

Жорж Бернард Шоу

✓ Шундай одамлар борки, буюқдан кир бўлган кийимидан уялмаслик учун ҳаммани осмондаги камалакнинг устига чиқиб тушганига ишонтирмоқчи бўлади.

Марк Твен

✓ Баъзи машҳур инсонлар интервьюларида журналистларни алдайдилар, кейин интервьюни газетада ўқиб, ўзларининг ёлгонига ўзлари ишонади.

Карл Краус

✓ Агар эркак аёлга ҳеч қачон ёлгон гапирмаган бўлса, демак, унинг ҳиссиётлари билан умуман иши йуқ.

Олин Миллер

✓Тухмат ва ёлгон мавжуд экан, қотилликнинг ҳожати йўқ.

Бхартрихари

✓Мен, ҳатто, Вашингтондан устунман: Вашингтон ёлгон гапиришни билмасди, мен эса биламан, лекин шунга қарамай, ўзимни тийиб тураман.

Марк Твен

ЯНА БИР ЧИМДИМ ҲИКМАТ

✓ Бор йўги битта тухумни қўйган товуқ, худди улкан харсанг тошни туққандай оламга жар солиб қоқолайди.

Марк Твен

✓ Тунда қуёш кўринмаяпти, деб кўз ёш тўксанг, осмондаги беҳисоб юлдузларни ҳам кўролмайсан.

Рабиндранат Тагор

✓ Капалаклар чиройли гулга қўнади, лекин чиройли гул ҳар дам ҳам хушбўй ҳидли бўлавермайди.

Жан де Лафонтен

✓ Жаҳл устида ҳеч нарсага қўл урма. Ахир бўрон вақтида кемага чиққан аҳмоқ эмасми?

Иоганн Гаут

✓ Инсон умри нақадар қисқа, камолот йўли қанчалар узун.

Иоганн Гёте

✓ Одам еган нарсаси билан эмас, ҳазм қилгани билан тириқдир.

Бенжамин Франклин

✓Ким севмаган бўлса, демак, у яшамабди.

Жан Батист Мольер

✓Муҳаббатни йуқ қилинг ва ер юзини қабрга айлантирасиз.

Роберт Браунинг

✓Севилмаслик – омадсизлик, севмаслик – мана ҳақиқий бахтсизлик.

Альбер Камю

✓Дустлик – қанотсиз муҳаббатдир.

Жорж Гордон Байрон

✓Дустликнинг биринчи асосий вазифаси – дустларнинг илтимос билан мурожаат қилишига ҳожат қолдирмасликдан иборат.

Суқрот

✓Агар ҳаддан ташқари қаттиқ яхши кўрмасанг, демак, умуман, яхши кўрмас экансан.

Луи де Петье

✓Токи одамлар яхши кўради – улар кечириб юбораверади.

Франсуа Ларошфуко

✓Бахтли кунлар дўстларни кўпайтиради, бахтсиз кунлар уларни синовдан ўтказлади.

Валентен Эспри Флешье

✓Овқат вақтида мусиқа тинглаш ошпазга нисбатан ҳам, созандага нисбатан ҳам ҳақоратдир.

Гилберт Кит Честертон

✓Ёзда бир кун дам олсанг, қишда ўн кун оч утирасан.

Жан де Лафонтен

✓Ҳайратлангирмай қўйган ҳар қандай нарса қизиқтирмай ҳам қолади.

Франсуа Ларошфуко

✓Хумрайган шифокор уз касбида ҳеч қачон муваффақиятга эришолмайди.

Мишель де Монтень

✓Тиббиётда биринчи асосий дори – шифокорнинг ўзидир.

Антон Кемпински

✓Куч билан мақтаниб, хукизни елкада кутариб юриш – унинг ўзидай булмақ демақдир.

Бернар Ле Бовье де Фонтенель

✓Куч ишлатмаслик – кучлиларнинг кучли куралидир.

Махатма Ганди

✓Ҳаётда мени улдирмайдиган ҳар қандай нарса мени кучли қилади.

Фридрих Вильгельм Ницше

✓Одам ўзини мағлуб, деб ҳисобламагунча мағлуб эмасдир.

Жозеф Дэниэлс

✓Жисмоний формани йуқотиш учун биргина машгулотни қолдириш кифоя.

Брюс Ли

✓Жисмоний машқлар куплаб дориларнинг ўрнини босиши мумкин, лекин куплаб дорилар ҳам жисмоний машқнинг ўрнини босолмайди.

Анжело Моссо

✓ Ҳамма одамлар адашади, бироқ буюк одамларгина адашганини тан олади.

Бернар ле Бовье Фонтенель

✓ Узини оқлашга уста киши яна бирон бошқа нарсада камдан-кам устун бўлади.

Бенжамин Франклин

✓ Улкан ишларга қодир бўлмаган одам, бировнинг буюк режаларига ҳам ҳазар билан қарайди.

Люк де Клапье Вовенарг

✓ Камчиликсиз одам йуқ, яхши одамнинг камчилиги камроқ.

Квинт Гораций Флакк

✓ Яхши тарбия дастурхонга овқатни тўкиб юбормасликда эмас, биров тўкиб юборса, буни курмаганга олишда намоён бўлади.

Антон Павлович Чехов

✓ Хиёнат — кутилмаганда бериладиган зарбадир.

Пауло Козльо

✓Ҳеч қачон бирор янги ишга қўл урмаган одамгина ҳеч қачон хато қилмаган бўлиши мумкин.

Альберт Эйнштейн

✓Кўп билишга эмас, кўп фикрлашга интилиш керак.

Демокрит

✓Ҳақиқатни излаш, ҳақиқатни топишдан кўра муҳимроқ.

Альберт Эйнштейн

✓Дангасалик – бойликнинг қизи ва камбағалликнинг онасидир.

Поль Декурсель

✓Дангасалик шунчалар имиллаб ҳаракат қиладики, камбағаллик унга тезда етиб олади.

Бенжамин Франклин

✓Фарзанд учун мукофотнинг энг аълоси – ота танбеҳидир.

Лев Николаевич Толстой

✓Тарбиянинг вазифаси яхши ишларни қилишга эмас, яхши ишларни қилишдан роҳатланишга ургатиш.

Жон Рескин

✓Тарбияламай туриб берилган билим ақлдан озганлар қўлидаги қиличдир.

Дмитрий Иванович Менделеев

✓Болаларингни тарбиялай олмаган бўлсанг, ҳаётда қандай юксак муваффақиятларга эришганинг мутлақо аҳамиятсиздир.

Жаклин Буве Кеннеди

✓Болаларингиздаги шўхликни ўлдирсангиз, ҳеч қачон донишмандларни вояга етказолмайсиз.

Жан Жак Руссо

✓Бир қизни ўқитсангиз, бир оилани ўқитган бўласиз.

Индира Ганди

✓Инсоният ҳамиша фақат мустақил таълим ҳисобига яхши ривожланган.

Герберт Спенсер

✓Биз одамни нимани билишига қараб эмас,
нимадан хурсанд бўлишига қараб билиб оламиз.

Рабиндранат Тагор

✓Агар одам ўзини яхши билса, шунинг ўзи
унинг донишмандлигини кўрсатади.

Антуан де Сент-Экзюпери

✓Ҳаёт тинимсиз ўзини ўзи такомиллаштириш
жараёнидир. Кимда-ким ўзини мукамалликка
эришдим, деб ҳисобласа, демак, ўзини ўлдирибди.

Христиан Фридрих Геббель

✓Гениаллик – бир фоиз илҳому, туқсон туққиз
фоиз пешона теридир.

Томас Алва Эдисон

✓Бирор ишни бажара олмайман, деб кўнгилга
келтирдингизми, шу пайтдан бошлаб, уни удалай
олишингиз икки ҳисса қийинлашади.

Бенедикт Спиноза

✓Ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар йўқ,
вақтида қабул қилинмаган қарорлар бор.

Эдмунд Бёрк

✓Нафратни яшириш осон, муҳаббатни яшириш қийин, бефарқликни яширишнинг деярли иложи йўқ.

Карл Людвиг Бёрне

✓Мақсад ва умидни йўқотгач, одам купинча даҳшатли махлуққа айланади.

Фёдор Михайлович Достоевский

✓Одам ҳақида унинг фикрларига қараб эмас, орзуларини билиб хулоса чиқариш тўғрироқдир.

Виктор Гюго

✓Ҳеч нарса одамларни бир-бирига беозор кулгудек тез яқинлаштира олмайди.

Лев Николаевич Толстой

✓Ҳаёт жиддий, аммо доимо жиддий бўлиб яшаб бўлмайди.

Гилберт Кит Честертон

✓Кулгу – ақл қиёфасидир.

Эдмон Гонкур

✓Биз ақлдан озмаслик учун куламитиз.

Чарли Чаплин

✓ Атиргулнинг тиканлари борлигидан нолигандан кўра, мен тиканаклар орасида атиргул ўсаётганидан хурсанд буламан.

Жозеф Жубер

✓ Бирор марта ҳам кулмаган кунингиз – сиз учун йўқотилган кундир.

Жан Мари Гюйо

✓ Қувноқ юрак кўп яшайди.

Уильям Шекспир

✓ Кўпинча мураккаб вазиятда умидсизлик охириги томчи кучимиздан ҳам маҳрум этади.

Альфред Адлер

✓ Ёшлик ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма ҳис қилади.

Луций Анней Сенека

✓ “Эртага” деган сўз иккиланувчан одамлар ва болалар учун ўйлаб топилган.

Иван Сергеевич Тургенев

✓Ёшлик – кўпирган денгиз тўлқини. Ортада шамол, олдинда қоятошлар.

Уильям Вордсворт

✓Шифокор билан бўлган суҳбатнинг узидан ҳам беморнинг аҳволи озгина бўлса-да яхшиланмаса, бу ҳақиқий шифокор эмас экан.

*Владимир Михайлович
Бехтерев*

✓Тинглашни билсанг, ҳатто, гапини эплаб гапиролмайдиган одамдан ҳам ниманидир ургана оласан.

Плутарх

✓Ҳақиқий ёлғизлик – сени тушунмайдиган одам билан бирга бўлиш.

Элберт Грин Хаббард

✓Адашмоқ инсоний хусусият, кечирмоқ – илоҳий.

Александр Поп

✓Яхши одам яхшиликлар қилувчи эмас, балки ёмонлик қилиш қўлидан келмайдиган одам.

Василий Осипович Ключевский

✓Кечиримли булиш кучли одамларнинг хусусиятидир, кучсизлар – кечирмайдилар.

Махатма Ганди

✓Газаб билан бошланган нарса, уят билан тугайди.

Бенджамин Франклин

✓Ҳамиша иродага хўжайин, виждонга эса қул бўлгин.

Мария Эбнер Эшенбах

✓Мактуб уятдан қизармайди.

Марк Туллий Цицерон

✓Сени йиглатган ҳеч бир инсон кўз ёш тўкишингга арзимаydi, ёш тўкишингга арзийдиган одамлар эса ҳеч қачон сени йиглатмайди.

Габриэль Гарсиа Маркес

✓Бизнинг қўрқувимиз – душманларимиз жасурлигининг манбасидир.

Томас Манн

✓ Ватан шаънига доғ тушириш – унга хиёнат қилиш дегани.

Виктор Гюго

✓ Фан хаёл олдида қанчалар қарздор эканини тасаввур ҳам қила олмайди.

Ралф Уолдо Эмерсон

✓ Биз маслаҳатларни челақлаб бериб, томчилаб қабул қиламиз.

Уильям Рансвилл Олжер

✓ Ёлғиз одамга ҳар ердан душманнинг куйи эшитилаверади.

Жан де Лафонтен

✓ Эрталаб режалар тузамиз-у, лекин кечқурун яна аҳмоқона ишлар қиламиз.

Волтер

✓ Агар мени кўкларга кўтаришаётган бўлса, демак, ниманидир нотўғри қилибман.

Брюс Ли

✓ Ювош одам томонидан берилган жазо огирроқ туюлади.

Луций Анней Сенека

✓ Одамлар фақат узлари яхши кўрган одамдангина бирор нарса ўргана оладилар.

Иоганн Вольфганг Гёте

✓ Ёмон тарбиячи — уз болалигини унутган тарбиячидир.

Мария Эбнер Эшенбах

✓ Олий ўқув юрти дипломи ниманидир билишингни исботловчи ҳужжат эмас, фақат сенда ниманидир ўрганиш учун имконият бўлганини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Янина Ипохорская

✓ Китоблар ёқилган жойда, кўп ўтмай одамларни ҳам гулханга ташлайдилар.

Виктор Гюго

✓ Мен жаннатни кутубхонага ўхшатаман.

Хорхе Луис Борхес

✓Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Эдуард Рене Лабуле

✓Ўқимай қўйган одамлар, фикрламай ҳам қўяди.

Дени Дидро

✓Ҳар қандай гўзаллик ҳам муҳаббат уйғотмайди: баъзида гўзаллик фақат кўзни қувнатиб, юракни забт этмайди.

Мигель де Сервантес

✓Бахтли никоҳнинг сири – бахтсизликларни тасоддифга йўйиш, бахтсиз тасоддифларни эса бахтсизлик деб билмасликдир.

Гарольд Джеймс

Николсон

✓Ота ўз фарзандларига қилиши мумкин бўлган энг катта яхшилик – уларнинг онасини қаттиқ яхши кўришдир.

Теодор Хесберг

✓ Буйруқлар бериб ишлатаётган одамларингни яхши кўришинг мумкин, аммо уларга буни айта кўрма.

Антуан де Сент-Экзюпери

✓ Агар бошлиқ бизга ёмонлик қилмаётган булса, бунинг узи ҳам каттагина яхшилик.

*Пьер-Огюстен Карон
де Бомарше*

✓ Кўпни билган эмас, керагини билган доно.

Эсхил

✓ Ақлли одам – нималарга эътибор бериш шарт эмаслигини билган одамдир.

Уильям Жеймс

✓ Ичкиликбозлик – тентакликда ким ўзарга мусобақалашидир.

Пифагор

✓ Барчадан ақллироқ булиш истагидан ҳам аҳмоқонароқ истак йўқ.

Франсуа Ларошфуко

✓Меъёр ва чегарани билмай яшаш – яшаш эмас, аста-аста ўлиб бориш демақдир.

Демокрит

✓Кибр-ҳаво – аҳмоқларнинг қалқонидир.

Шарль Монтескье

✓Фикрламай урганиш – бефойда, урганмай фикрлаш – хавfli.

Конфуций

✓Биз бахтли булишга эмас, бахтга муносиб булишга ҳаракат қилишимиз керак.

Иммануил Кант

✓Катта бахтсизликлар узоқ давом этмайди, кичиклари эса эътибор қаратишга арзимади.

Жон Леббок

✓Озодликнинг баҳоси – доимий хушёрлик-дир.

Томас Жефферсон

✓ Ҳаддан ташқари катта бахтта эришиш истаги купинча бахтта эришиш йулидаги асосий тусиққа айланади.

Бернар Ле Бовье де Фонтенель

✓ Тақдир бизни икки хил йул билан – истаган нарсамизни бермай ва истаганимизни муҳайё қилиб синайди.

Анри-Фредерик Амьель

✓ Худоси осмонда яшайдиган одамдан қурқ.

Жорж Бернард Шоу

✓ Иккиланиш – кучни йуқотиш демақдир.

Оноре де Бальзак

✓ Бошқаларнинг мақтови ҳаракатинг оқибати бўлсин, мақсади эмас.

Лев Николаевич Толстой

✓ Бошқаларни тез-тез кечириб тур, ўзингни ҳеч қачон.

Публилий Сир

✓Зарбангга зарба билан жавоб бермаган одамдан эҳтиёт бул.

Жорж Бернард Шоу

✓“Тугри” ва “деярли тугри” нинг ўртасидаги фарқ чақмоқ ва шамчироқ ўртасидаги фарқ кабидир.

Марк Твен

✓Ҳар қандай аёлнинг хатосида эркакнинг айби бўлади.

Иоганн Готфрид Гердер

✓Аёл кишининг қанақа либосда эканини унутиш мумкин, лекин ундан таралаётган ифори унутиб бўлмайди.

Кристиан Диор

✓Уй – турмушга чиққунча қиз бола учун қамоқхона, турмуш қургач, ижодхонадир.

Жорж Бернард Шоу

✓Улкан ишларга илҳомлантирувчи аёлларнинг ўзи бу ишларни қилишдан бизни чалғитади.

Александр Дюма-ўғил

✓ Одам қанчалик ақлли бўлса, шунчалик камтар бўлади.

Марк Туллий Цицерон

✓ Айримлар аслзодалар қаторига кириб, одамлар қаторидан чиқиб кетади.

Михаил Иванович Глинка

✓ Уч тоифа одам бор: манман, гурурли ва бошқалар. Тугрисини айтганда, уша "бошқалар" деган тоифани ҳаётда ҳеч учратмадим.

Огюст Детеф

✓ Дунёнинг узгаришини хоҳласанг, узинг уни узгартира бошла.

Махатма Ганди

✓ Ёлгон гапирмасанг, куп нарсани эслаб юришингга ҳожат қолмайди.

Марк Твен

✓ Ростгуй булиш – ёлгиз булиш демакдир.

Макс Фриш

✓ Менда ҳеч қандай талант йўқ – эшакдай қайсар ва ўта қизиқувчанман, холос.

Альберт Эйнштейн

✓ Ҳеч ким тасоддифан яхши одам бўлиб қолмайди.

Платон

✓ Эҳтимол, бу дунёда сен бор-йўти бир одамдирсан, лекин ким учундир сен бутун бир оламсан.

Габриэль Гарсиа Маркес

✓ Буюк инсонларда мақсадлар бўлади, қолганларда эса – истаклар, холос.

Вашингтон Ирвинг

✓ Қўлга киритишдан кўра, қўлдагини тутиб туриш қийинроқ.

Гай Юлий Цезарь

✓ Ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя, ҳайратлантирувчи нарсани яратиш учун эса йиллар керак.

Клод Адриан Гельвений

✓ Қисқа муддатли муваффақиятсизлик, қисқа муддатли муваффақиятдан кўра яхшироқ.

Пифагор

✓Учмоқ учун қанот қоқмоқ керак.

Жан де Лафонтен

✓Вақтида қоқилган йиқилмаслиги мумкин.

Томас Фуллер

✓Бугунги яхши режа, эртанги жуда яхши режадан кўра яхшироқ.

Платон

✓Тутри йулдан кетаётган чулоқ, йулдан адашган чопардан кўра манзилга тезроқ боради.

Фрэнсис Бэкон

✓Истарали дегани ҳали бирор нарсани сўрашга улгурмасингдан сенга "хўп" деб айтишади дегани.

Альбер Камю

✓Яширин иқтидор обру олиб келмайди.

Эразм Роттердамский

✓Одам эсплайман, деб уйлагани учун эсплай олади.

Марон Публий Вергилий

✓Йул булса, уни топаман, йул йуқ булса, уни
узим қураман.

Филип Сидней

✓Ирода ақлимиз "мағлубсан" деганда ҳам,
бизни галаба қозонишга ундайдиган нарсадир.

Карлос Кастанеда

✓Камалак осмонни узоқ вақт безаб турса,
одамлар унга қарамай қўяди.

Иоганн Вольфганг Гёте

✓Одам, ўз ватани учун жонидан ҳам кечишга
тайёр бўлиши, албатта, ниҳоятда қадрлидир, аммо
ватан учун яшашга тайёрлик бундан-да қадрлироқ.

Теодор Рузвельт

✓Ўз ватанини севмаган одам бошқа ҳеч нарсани
ҳам севолмайди.

Джордж Гордон Байрон

✓Мен ҳеч қачон қаричилик деб хазина кўмилган
жойни эслай олмаган одамни учратмаганман.

Марк Туллий

Цицерон

✓Тушлар биз уйқуда зерикмаслигимиз учун уйлаб топилган.

Пьер Клод Буаст

✓Абадий таътил – дуззахга берилган энг тугри таърифдир.

Джордж Бернард Шоу

✓Мен буш вақтимда, айниқса, қаттиқ банд бўламан.
Цицерон

✓Ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо уни шарманда қилиб бўлмайди.

Вольтер

✓Яхшиларни мукофотлаш билан ёмонларни жазолаган бўлмаймиз.

Дени Дидро

✓Газеталар учун велосипеддан йиқилиш билан оламшумул фалокат ўртасида фарқ йўқ.

Джордж Бернард Шоу

✓Ишга икки томондан қарашта одатланган одам унинг иккала тарафини ҳам кўра билмайди.

Оскар Уайльд

Илова
Ҳикматлар муаллифлари руйхати

1. Абель Эрман (1862 – 1950) – француз ёзувчиси ва драматурги.

2. Авраам Линкольн (1809 – 1865) – АҚШ 16-президенти.

3. Адриан Декурсель (1821 – 1892) – француз ёзувчиси.

4. Александр Дюма-ота (1802 – 1870) – француз ёзувчиси.

5. Александр Дюма-утил (1824 – 1895) – француз ёзувчиси.

6. Александр Исидорович Фюрстенберг (1913 – 2001) – рус муҳандиси.

7. Александр Поп (1688 – 1744) – инглиз шоири.

8. Альбер Камю (1913 – 1960) – француз ёзувчиси.

9. Альберт Эйнштейн (1879 – 1955) – олмон физик олими.

10. Альфред Адлер (1870 – 1937) – австриялик психолог.

11. Аминад Петрович Шполянский (1888 – 1957) – рус ҳажвий шоири.

12. Анджело Моссо (1846 – 1910) – италиялик физиолог.

13. Анри Ренъе (1864 – 1936) – француз ёзувчиси.

14. Анри-Фредерик Амьель (1821 – 1881) – швейцариялик ёзувчи, шоир.

15. Антон Кемпински (1918 – 1972) – польшалик психиатр ва файласуф.

16. Антон Павлович Чехов (1860 – 1904) – рус ёзувчиси.

17. Антуан де Ривароль (1753 – 1801) – француз ёзувчиси.

18. Антуан де Сент-Экзюпери (1900 – 1944) – француз ёзувчиси, профессионал учувчиси.

19. Аристотель (э.р.ав. 384 – 322) – қадимги юнон файласуфи.

20. Аркадий Филиппович Давидович (1930) – рус ҳажвий ёзувчиси.

21. Арнолд Глазгоу (1905 – 1998) – америкалик ҳажвий ёзувчи.

22. Артуро Граф (1848 – 1913) – италян ёзувчи.

23. Ахикар (эр.авв.VIII - VII аср) - қадимги оссуриялик хаттот.

24. Бейтс Каунти (1923 - 1998) - америкалик ёзувчи.

25. Бенджамин Франклин (1706 - 1790) - америкалик олим ва давлат арбоби.

26. Бенедикт Спиноза (1632 - 1677) - недерландиялик файласуф.

27. Бернар Грассе (1881 - 1955) - француз ёзувчиси.

28. Бернар Ле Бовье де Фонтенель (1657 - 1757) - француз ёзувчиси.

29. Бертран Рассел (1872 - 1970) - англиялик файласуф, математик.

30. Блез Паскаль (1623 - 1662) - француз олими, файласуфи.

31. Бобби Филлипс (1972) - америкалик актриса.

32. Брижит Бардо (1934) - француз актрисаси.

33. Брюс Ли (1940 - 1973) - шарқ яккакурашлар устаси, киноактёр.

34. Бхартрихари (VII аср) - қадимги ҳинд шоири.

35. Валентен Эспри Флешье (1632 - 1710) - француз руҳонийси ва ёзувчиси.

36. Василий Осипович Ключевский (1841 – 1911) – рус тарихчиси.

37. Вашингтон Ирвинг (1783 – 1859) – америкалик ёзувчи.

38. Вивьен Ли (1913 – 1967) – инглиз актрисаси.

39. Виктор Гюго (1802 – 1885) – француз ёзувчиси.

40. Вильгельм Буш (1832 – 1908) – олмон шоири, карикатурачи рассоми.

41. Влада Булатович-Виб (1931 – 1994) – сербиялик журналист, ҳажвий ёзувчи.

42. Владимир Михайлович Бехтерев (1857 – 1927) – рус неврологи ва психиатр шифоко-ри.

43. Владислав Гжещик (1935) – польшалик ҳажвий ёзувчи.

44. Волтер (Аруз, Мари Франсуа) (1694 – 1778) – француз ёзувчиси, файльсуфи.

45. Габриэль Гарсиа Маркес (1928) – колумбиялик ёзувчи, журналист.

46. Гай Юлий Цезарь (эр. авв. 100 – 44) – қадимги римлик сиёсий арбоб ва ҳарбий қумондон.

47. Гаролд Тейлор (1907 – 1995) – инглиз математиги, физик олими.

48. Гарольд Джеймс Николсон (1950) – америкалик ҳарбий офицер.

49. Генри Брукс Адамс (1838 – 1918) – америкалик тарихчи.

50. Генри Луис Менкен (1880 – 1956) – америкалик журналист, ёзувчи.

51. Генри Хаскинс (1875 – 1957) – америкалик ёзувчи.

52. Герберт Спенсер (1820 – 1903) – инглиз файласуфи.

53. Ги де Мопассан (1850 – 1893) – француз ёзувчиси.

54. Гилберт Кит Честертон (1874 – 1936) – инглиз ёзувчиси ва мутафаккири.

55. Говард Ньютон (1903 – 1951) – америкалик реклама мутахассиси.

56. Горацій (э.р.авв.65 – 8) – қадимги римлик шоир.

57. Демокрит (э.р.авв.460 – 370) – қадимги юнон файласуфи.

58. Дени Дидро (1713 – 1784) – француз ёзувчиси, маърифатпарвари.

59. Диоген (э.р. авв.400 – 325) – қадимги юнон файласуфи.

60. Дмитрий Иванович Менделеев (1834 – 1907) – рус кимёгар олими.

61. Долли Партон (1946) – америкалик қушиқчи ва актриса.

62. Жаклин Бувье Кеннеди (1929 – 1994) – АҚШ президенти Джон Кеннедининг турмуш ўртоғи.

63. Жан Батист Мольер (1622 – 1673) – француз шоири, актери.

64. Жан де Лабрюйер (1645 – 1696) – француз ёзувчиси.

65. Жан де Лафонтен (1621 – 1695) – француз фаласуфи.

66. Жан Жак Руссо (1712 – 1778) – француз мутафаккири, ёзувчиси.

67. Жан Мари Гюйо (1854 – 1888) – француз файласуфи.

68. Жан Польян (1884 – 1968) – француз ёзувчиси.

69. Жан Ришар (1921) – француз актери.

70. Жарко Петан (1929) – словениялик афорист.

71. Жеймс Рассел Лоуэлл (1819 – 1891) – америкалик ёзувчи.

72. Жек Бернет (1953) – америкалик тадбиркор.

73. Жим Исон (1934) – америкалик радиобошловчи.

74. Жин Керр (1923 – 2003) – америкалик драматург.

75. Жозеф Дэниэлс (1862 – 1948) – америкалик сиёсатчи.

76. Жозеф Жубер (1754 – 1824) – француз ёзувчиси.

77. Жозеф Каттен (1905 – 1994) – америкалик актер.

78. Жон Леббок (1834 – 1913) – англиз археологи, этнологи, ёзувчиси.

79. Жон Птитсен (1792 – 1887) – француз ёзувчиси.

80. Жон Рескин (1819 – 1900) – англиз ёзувчиси, санъатшуноси.

81. Жон Саржент (1856 – 1925) – америкалик рассом.

82. Жон Стюарт Милль (1806 – 1873) – англиз иқтисодчиси ва файласуфи.

83. Жордж Бернард Шоу (1856 – 1950) – англиз драматурги.

84. Жорж Галифакс (1633 – 1695) – англиз давлат арбоби.

85. Жорж Гордон Байрон (1788 – 1824) – англиз ёзувчиси.

86. Жорж Сименон (1903 – 1989) – француз ёзувчиси.

87. Жюльен де Фалкенаре (1898 – 1958) – беглиялик ёзувчи.

88. Зигмунд Графф (1898 – 1979) – олмон ёзувчиси.

89. Зигмунд Фрейд (1856 – 1939) – австриялик психиатр ва психолог олим.

90. Иван Сергеевич Тургенев (1818 – 1883) – рус ёзувчиси.

91. Илья Ильф (1897 – 1937) – рус ёзувчиси.

92. Иммануил Кант (1724 – 1804) – олмон файласуфи.

93. Индира Ганди (1917 – 1984) – ҳинд давлат арбоби.

94. Иоганн Вольфганг Гёте (1749 – 1832) – олмон шоири.

95. Иоганн Гаут (1761 – 1829) – олмон шоири.

96. Иоганн Готфрид Гердер (1744 – 1803) – олмон файласуфи, маърифатпарвар ёзувчиси.

97. Карл Краус (1874 - 1936) - австриялик ёзувчи.

98. Карл Людвиг Бёрне (1786 - 1837) - олмон ёзувчиси, журналисти.

99. Карлос Кастанеда (1925 - 1998) - лотин америкалик ёзувчи, файласуф.

100. Квинт Гораций Флакк (э.р.авв. 65 - 8) - қадимги римлик шоир.

101. Клод Адриан Гельвеций (1715 - 1771) - француз файласуфи.

102. Константин Семёнович Мелихан (1952) - рус ёзувчиси.

103. Конфуций (э.р.авв. 551 - 479) - қадимги хитойлик файласуф.

104. Кристиан Диор (1905 - 1957) - француз модельери.

105. Курт Гец (1888 - 1960) - олмон ёзувчиси.

106. Лайонел Кауфман (1918 - 1986) - инглиз шоири.

107. Лев Николаевич Толстой (1828 - 1910) - рус ёзувчиси.

108. Лешек Кумор (1924) - польшалик маданиятшунос, кинотанқидчи.

109. Луи де Петье (1734 - 1853) - француз сиёсатчиси, тарихчиси.

110. Луций Анней Сенека (эр.авв. 4 – эр. 65) – қадимги римлик ёзувчи.

111. Люк де Клапье Вовенарг (1715 – 1747) – француз ёзувчиси.

112. Люсиль Болл (1911 – 1989) – америкалик актриса, телепродюсер.

113. Мадлен де Пюизье (1720 – 1798) – француз ёзувчиси.

114. Макс Фриш (1915 – 1991) – швейцариялик ёзувчи.

115. Малькольм де Шазаль (1902 – 1981) – француз ёзувчиси.

116. Марина Влади (1938) – француз актриса.

117. Мария фон Эбнер – Эшенбах (1830-1916) – австриялик ёзувчи.

118. Марк Твен (1835 – 1910) – америкалик ёзувчи.

119. Марк Туллий Цицерон (эр.авв.106 – 43) – қадимги римлик давлат арбоби, нотиқ.

120. Маркус Кларк (1846 – 1881) – австралиялик ёзувчи.

121. Марлен Дитрих (1901 – 1992) – олмон-америкалик киноактриса.

122. Марлон Брандо (1924) – америкалик киноактер.

123. Марон Публий Вергилий (э.р.авв.70 – 19) – қадимги римлик шоир.

124. Марсель Ашар (1899 – 1974) – француз драматурги.

125. Махатма Ганди (1869 – 1948) – Ҳиндистон озодлик ҳаракати етакчиси.

126. Мигель де Сервантес (1547 – 1616) – испаниялик ёзувчи.

127. Михаил Иванович Глинка (1804 – 1857) – рус бастакори.

128. Мишель де Монтень (1533 – 1592) – француз файласуфи.

129. Моисей Сафир (1795 – 1858) – австриялик ёзувчи.

130. Морис Шевалье (1888 – 1972) – француз ёзувчиси.

131. Натали Клиффорд Барни (1876 – 1972) – француз ёзувчиси.

132. Никколо Макиавелли (1469 – 1527) – италян мутафаккири, давлат арбоби.

133. Огюст Детёф (1883 – 1947) – олмон адабиётшуноси, жамоат арбоби.

134. Олин Миллер (1937) – америкалик ёзувчи.
135. Оноре де Бальзак (1799 – 1850) – француз ёзувчиси.
136. Оскар Уайльд (1854 – 1900) – инглиз ёзувчиси.
137. Пабло Пикассо (1881 – 1973) – француз рассоми.
138. Патрик Марри (1947 – 1982) – француз актёри, қушиқчиси ва бастакори.
139. Пауло Козльо (1947) – бразиялик ёзувчи.
140. Питер Лоренс (1919 – 1990) – канадалик-америкалик педагог ва адабиётшунос.
141. Питер Устинов (1921 – 2004) – инглиз актёри, режиссёри, ёзувчиси.
142. Пифагор (э.р.авв.570 – 490) – қадимги юнон файласуфи ва математиги.
143. Платон (э.р.авв.427 – 347) – қадимги юнон файласуфи.
144. Плутарх (46 – 127) – қадимги юнон тарихчиси.
145. Подводный Авессалом Бонифатьевич (1953) – рус файласуфи, ёзувчиси.
146. Поль Декурсель (1856 – 1902) – француз журналисти, драматурги.

147. Поль Рейно (1878 – 1966) – француз давлат арбоби.

148. Публилий Сир (э.р.авв I аср) – қадимги римлик шоир.

149. Пьер Клод Буаст (1765 – 1824) – француз лугатшуноси ва афористи.

150. Пьер-Огюстен Карон де Бомарше (1732 – 1799) – француз драматурги.

151. Рабиндранат Тагор (1861 – 1941) – ҳинд ёзувчиси.

152. Ралф Уолдо Эмерсон (1803 – 1882) – америкалик ёзувчи, файласуф.

153. Рамон Гомес де ла Серна (1888 – 1963) – испаниялик ёзувчи.

154. Ратмир Тумановский (1954) – рус журналисти.

155. Редьярд Киплинг (1865 – 1936) – англиялик ёзувчи.

156. Реим де Гурмон (1858 – 1915) – француз ёзувчиси.

157. Реймонд Чандлер (1888 – 1959) – америкалик ёзувчи.

158. Ришард Подлевский (1952) – польшалик ҳажвий ёзувчи.

159. Саша Гитри (1885 – 1957) – француз актери, драматурги, режиссёри.

160. Сирил Норткот Паркинсон (1909 – 1993) – англиялик публицист.

161. Сон Кан (1536 – 1593) – корейялик шоир.

162. Софья Сегюр (1799 – 1874) – француз ёзувчиси.

163. Станислав Ежи Лец (1909 – 1966) – польшалик шоир, афорист.

164. Стендаль (1783 – 1842) – француз ёзувчиси.

165. Стефан Цвейг (1881 – 1942) – австриялик ёзувчи.

166. Стивен Ликок (1869 – 1944) – канадалик ёзувчи.

167. Суқрот (э.р.авв.469 – 399) – қадимги юнон мутафаккири.

168. Тадеуш Котарбиньский (1886 – 1981) – польшалик файласуф.

169. Тед Капчук (1947) – америкалик шифокор.

170. Теодор Рузвельт (1858 – 1919) – АҚШ 26-президенти.

171. Теодор Хесберг (1917) – америкалик диншунос олим.

172. Томас Алва Эдисон (1847 - 1931) - америкалик ихтирочи.

173. Томас Жефферсон (1743 - 1826) - АҚШ 3-президенти, ахитектор, олим.

174. Томас Дьюар (1864 - 1930) - америкалик жамоат арбоби.

175. Томас Манн (1875 - 1955) - олмон ёзувчиси.

176. Томас Фуллер (1608 - 1661) - инглиз диншуноси, тарихчиси.

177. Уилл Роджерс (1879 - 1935) - америкалик ҳажвий ёзувчи.

178. Уильям Вордсворт (1770 - 1850) - инглиз шоири.


179. Уильям Джеймс (1842 - 1910) - америкалик файласуф ва психолог.

180. Уильям Рансвилл Олджер (1822 - 1905) - америкалик ёзувчи, файласуф.

181. Уильям Шекспир (1564 - 1616) - инглиз шоири, драматурги.

182. Фёдор Михайлович Достоевский (1821 - 1881) - рус ёзувчиси.

183. Фёдор Фёдорович Селиванов (1859 - 1914) - рус кимёгар олими.



184. Филип Сидней (1554 - 1586) - англиз ёзувчи.
185. Франсуа Ларошфуко (1613 - 1680) - француз ёзувчиси.
186. Франческо Петрарка (1304 - 1374) - италян шоири.
187. Фред Аллен (1894 - 1956) - америкалик ҳажвий ёзувчи.
188. Фридрих Вильгельм Ницше (1844 - 1900) - олмон файласуфи.
189. Фридрих Рюккерт (1788 - 1866) - олмон шоири, таржимони.
190. Фрэнсис Бэкон (1561 - 1626) - англиз файласуфи.
191. Харлан Миллер (1964) - америкалик журналист.
192. Хелен Роулэнд (1875 - 1950) - америкалик журналист.
193. Херб Шрайнер (1918м1970) - америкалик телебошловчи.
194. Хорхе Луис Борхес (1899 - 1986) - аргентиналик ёзувчи.
195. Христиан Фридрих Геббель (1813 - 1863) - олмон драматурги ва шоири.

196. Чак Поланик (1962) – америкалик ҳажвий ёзувчи.

197. Чарли Чаплин(1889 – 1977) – америкалик киноактер, режисер.

198. Шарль Монтескье (1689 – 1755) – француз файласуфи.

199. Шарль Морис де Талейран (1754 – 1838) – француз дипломати.

200. Шарль Сент-Бёв (1804 – 1869) – француз ёзувчиси.

201. Эдгар Уотсон Хау (1853 – 1937) – америкалик ёзувчи.

202. Эдмунд Бёрк (1729 – 1797) – инглиз журналисти, сиёсатчиси.

203. Эдуард Рене Лабуле (1811 – 1883) – француз ёзувчиси, олими, сиёсий арбоби.

204. Элберт Грин Хаббард (1856 – 1915) – америкалик ёзувчи, муҳаррир.

205. Элеонора Рузвельт (1884 – 1962) – америкалик жамоат арбоби.

206. Элси Аттенхофер (1909 – 1999) – швейцариялик драматург.

207. Эмиль Кроткий (1892 – 1963) – рус ҳажвий ёзувчиси.

208. Эразм Роттердамский (1469 – 1536) – нидерландиялик маърифатпарвар файласуф.

209. Эсхил (э.р.авв.525 – 456) – қадимги юнон драматурги.

210. Этьен Рей (1848 – 1904) – француз актёри.

211. Ян Климек (1889 – 1939) – польшалик афорист.

212. Янина Ипохорская (1914 – 1981) – польшалик рассом ва ёзувчи.

213. Януш Гаудын (1943) – польшалик ҳажвий ёзувчи.